



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 15 апрель, № 72 (6002)

Сешанба

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиали қошидаги ахборот-ресурс марказида корпоратив ахборот-ресурсларнинг марказлашган тизими жорий этилиши фойдаланувчилар, жумладан, талабалар учун катта қулайлик яратди.

Кутубхона глобал тармоққа уланди

— Ахборотдан фойдаланувчилар эндиликда “Кармат” дастури шарофати билан ўзларига керакли қўлланма ёки адабиётга шу ернинг ўзида буюртма бериши ва уни республикамизнинг ирилган олий ўқув юртидан олиши мумкин, — дейди марказ раҳбари Орзул Тиллаева. — Бунда уларга йиғма электрон каталог кўмак келади. Биз ҳам хозиргача 1100 дан зиёд номдаги адабиётни шу дастур каталогига киритдик. Китебхоналарнинг электрон рўйхати эса 200 тага етиб қолди. Бундан ташқари, институт кафедралари томонидан берилган электрон маълумотларни ҳам компьютерлар хотираси-

га киритганмиз. Марказ кутубхона фонди эса физика, олий математика, кимё, тупроқшунослик, мелиорация синга-ри жами 41 бўлимдан иборат. Дарвоқе, яқинда мазкур ахборот-ресурс марказининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. У давлатимиз томонидан ажратилган икки миллиард сўмга яқин маблағ эвазига барпо қилинди. 160 ўринли ўқув ва видеоанжуман заллари ҳамда қўшимча хоналардан иборат марказда ахборотдан фойдаланувчилар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Автомобиллар учун

навигацион тизимли плеерлар

Бундан бир неча йил аввал Андижон шаҳридаги “Idas elektronik sistem” Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси маҳсулотлари “Узстандарт” агентлиги томонидан ўтказилган танловда “Йилнинг энг яхши маҳсулоти” номинацияси бўйича ғолиб, деб топилган эди.

Бундай эътирофга сазовор бўлган жамоада ўтган давр мобайнида самарали изланишлар олиб борилди. Жумладан, “Дамас”, “Нексия”, “Матиз”, “Спарк” ҳамда “Ласетти” автомобиллари учун “CD/MP-3” плеерлари ва рақамли оватлар етказиб бериш ўзлаштирилди.

Ўтган йили янги цехнинг ишга туширилиши туфайли “CD/MP-3” плеерларнинг металл қисмлари маҳаллийлаштирилди. Натижада маҳсулот таннархи пасайди. Келгусида корхонада “Ласетти” автомобиллари учун сенсорли навигация тизими билан таъминланган плеерлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Саидоҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иссиқ ва совуққа чидамли

Вермикулит 1200 даража иссиқдан 260 даража совуқка бўлган ҳароратда ўз табиий хусусиятини йўқотмайдиган тоза маъдан ҳисобланади.

Шу босишдан кўндал соҳаларда, айниқса, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, паррандачилик, боғдорчиликда кенг фойдаланилади.

Мазкур модданинг мустақамлигини ҳисобга олган элликальцик тадбиркор Илҳомжон Машарипов “El rozi nur” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйиб, вермикулит тайёрлашни ўзлаштирди.

— 40 минг АҚШ долларилик лойиҳамиз рўёбга чиқиши билан кунга 4 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга замонавий технологияни амалга киритдик, — дейди тадбиркор. — Вермикулитни Қоратоғ этакларидан қазиб олиб, кўпчатаймиз. Шу аснода қурилиш учун қимматбаҳо хом ашё тайёрланапти.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги фармацевтика корхонаси иш бошлади

Самарқанд шаҳридаги “Integra DD” масъулияти чекланган жамиятида натрий хлор, новакин, лидокаин каби олти номдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхона раҳбари Анвар Юнусовнинг таъкидлашича, дунёнинг етакчи хорижий компаниялари томонидан тайёрланган асбоб-ускуналарни 70 нафарга яқин маҳаллий ёшлар моҳирлик билан бошқармоқда.

Этиборли жиҳати шундаки, бундай дорилар илгари четдан келтирилган эди. Ушбу янги корхона хозирча йилга 45 миллион ампула дори воситасини ишлаб чиқариш қувватига эга. Тез орада бу кўрсаткични 60 миллион донага етказиш кўзда тутилган.

Мамадйёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда сўнги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва уларни энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун

750

миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Натижада республикамиз аҳолисининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайдик, бу, ўз навбатида, оналар ва болалар ўлимнинг кескин камайиши, соғлом фарзандлар туғилишини таъминлаш ҳамда уларнинг саломатлиги мустақамланишида муҳим омил бўлмоқда.

Енгил саноат:

ЮҚОРИ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Енгил саноат — мамлакатимиз иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири. Мазкур соҳа ривожига қаратилган алоҳида эътибор туфайли у кейинги йилларда сифат жиҳатидан бутунлай юқори босқичга кўтарилди. Замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган кўплаб корхоналар ишга туширилгани, мавжудлари эса тубдан модернизация қилингани ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин ошириш, экспортда тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар улушини кўпайтириш имконини бераётди.

ИЗЛАНИШ

Республикамиз экспорт салоҳиятининг ошишида бундан уч йил муқаддам Бувайда туманининг Янгигўрғон қишлоғида иш бошлаган “Los Gigantes Textiles” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Негаки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг катта қисми “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги билан экспорт қилинапти.

Дарҳақиқат, ўтган йили корхона томонидан чет эллик буюртмачиларга 1 миллион 150 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб берилди. Маҳсулот сифат кўрсаткичлари юқорилиги туфайли унга бўлган талаб тобора ортиб, экспорт географияси ҳам кенгаймоқда.

(Давоми 2-бетда).



Қулай шарт-шароит ва имконият

юртимиз фонд бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш орқали ишбилармонлар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш ҳамда иқтисодий тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қимматли қоғозлар бозори ҳам жадал ривожланмоқда.

ИСЛОХОТ

Маълумки, яқин-яқингача “биржа”, “брокер”, “дилер”, “маркетмейкер”, “трансфер-агент”, “андеррайтер” каби сўзлар кўпчилик учун нотаниш эди. Бугун эса бу тушунчалар барчамизга яхши маълум. Чунки эндиликда республикамиз фонд бозори хўжалик юритувчи субъектлар ва ишбилармонларга кенг қамровли хизмат кўрсатувчи мустақам тизимга айланди. Хусусан, Президентимизнинг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий

мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилган “Тошкент” Республика фонд биржаси нафақат савдо майдончаси, балки савдоларнинг ташкилотчиси, мазкур бозорга жаҳон тажрибасини татбиқ этишчи ташаббускор институт сифатида фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида биржамизда икки мингга яқин акциядорлик жамиятларининг 1 млрд. 700 млн. дона қимматли қоғози билан 1,5

трлн. сўмлик 100 мингдан ортиқ битимлар амалга оширилгани ана шундан далолат беради. Эътиборлиси, биржа савдолари ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш фонд бозори рақобатбардошлигини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, сўнги беш йилда фонд биржаси савдо айланмасида қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори устулик қилаётгани ушбу йўналиш-

даги ишларни жадаллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарасидир. Албатта, бугунги тараққиёт даврини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш мушкул. Шунинг учун кейинги йилларда республикамизда биржа савдоларини онлайн тарзда ўтказиш ва бу жараёнга IPO (қимматли қоғозларни бирламчи ошқора жойлаштириш)ни татбиқ этиш мақсадида Евросиб фонд биржаси федерацияси ва бошқа хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу кунларда Корея фонд биржаси билан ҳамкорликда “Ягона дастурий-техник комплекс”ни яратишга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

Хоразм вилоятида ташкил этилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун эришилган ютуқлар ва истиқболли лойиҳаларни намойиш қилиш, талаб ва таклиф мутаносиблигини белгилаб олишда муҳим омил бўлди.

Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси:

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Тадбирда 200 дан ортиқ корхона 650 дан зиёд турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Хусусан, “Узтех Шовот”, “Антикоринвест”, “Феруз-Хоразм”, “Урганч баҳмал”, “Урганч ёғ”, “Мегафера” каби салоҳиятли ишлаб чиқариш субъектлари томонидан маҳаллийлаштирилган ҳамда янгидан ўзлаштирилган пойабзал, атирсовун, сув фильтрлари, коррозияга қарши универсал қоғлама, автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар, спорт инвентарлари, қурилиш материаллари каби 25 турдаги маҳсулотлар кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тадбирда 7 та хорижий мамлакат корхоналари ҳамда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Тошкент ва бошқа вилоятлардан келган саноат соҳаси вакиллари ҳам ўзларининг хилма-хил маҳсулотлари билан қатнашди.

Айтиш жоизки, икки кун давом этган мазкур ярмарка вилоят саноат салоҳияти тобора юқалиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади. Унда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида умумий қиймати 15 миллиард 500 миллион сўмликдан ортиқ 650 дан зиёд шартнома имзолангани, маҳсулот экспорти бўйича хорижий корхоналар вакиллари билан жами 3,5 миллион АҚШ долларлик келишувларга эришилгани ҳам эътиборга молиқдир. — Ушбу анъанавий тадбир саноатни ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини ошириш, ҳудудий маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш ҳамда ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Янгибозор туманидаги “Элинза” хусусий корхонаси раҳбари Йўлдош Эрназаров. — Биз ҳам ярмаркада 89 турдаги тиббиёт ва ўқув-мебель жиҳозларимиз билан иштирок этиб, ўз имкониятларимизни намойиш қилдик. Натижада 100 миллион сўмликка яқин 8 та шартнома имзолашга муваффақ бўлдик. Бу келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришда қўл келади.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида эса Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган 145 та корхона ҳамда ташкилот 288 турдаги маҳсулот ва хизматлари билан қатнашди.

Жумладан, улар томонидан намойиш этилган кўмир брикетлари, дори-дармон воситалари, тикувчилик, чарм-пойабзал материаллари, электр жиҳозлари, профнастил, шпатлевка, полиэтилен қувурлар каби янги ўзлаштирилган маҳсулотлар иштирокчиларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, иқтидорларини рўёбга чиқариш, илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга зарур шарт-шароит, ҳуқуқий асослар яратилган.

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ

амалий ишларда намоён бўлмоқда

Шу нукта назардан айтганда, айни чоғда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари ёшларнинг ҳаётда, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишда камарбаста бўлмоқда.

ликларни ўз вақтида бартафат этиш лозимлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, комиссияси аъзолари касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга масъул саналган корхона ва коллеж мутасаддилари масъулиятини оширишга асосий эътиборни қаратиб, ушбу масалани назорат-таҳлил қилиб бормоқда.

тумани Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси билан ҳамкорликда ўрганилиб, мавжуд муаммоларни бартафат этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, комиссиямиз Шўрчи туманида ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишларни масъул ташкилотлар, айниқса, маҳаллалар билан ҳамкорликда бажаришни йўлга қўйди.

маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”-ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар асосида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

давлат санитария-эпидемиология назорат маркази (ДСЭНМ) ва бошқа тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мавжуд шифохоналарда 7425 ўрин мавжуд бўлиб, 2013 йил давомида 200 минг нафардан зиёд бемор ўз соғлиғини мустаҳкамлади.

М. ҲАЙДАРОВ, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

Худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси:

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

— Худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад вилоятимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг буюртмалар портфелини шакллантириш, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни ҳамкорларга етказиш бўйича етакчи ташкилотлар билан тендерсиз, ўзаро манфаатли шартномалар тузиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Ойбек РАҲИМОВ, Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ва бошқа ҳамкорлар иштирокида “Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

ОИЛА болалар тарбиясида алоҳида ўрин тутди

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ўтказилган маънавий тарбиясида алоҳида ўрин тутди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар оилада шаклланди.

Қулай шарт-шароит ва имконият

юртимиз фонд бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бундан ташқари, фонд бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, фонд бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ётир. Жумладан, “Биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни халқаро стандартларга мос фаолият юритиш учун кенг имконият яратди.

Ғолибжон ТУРСУНОВ, «Тошкент» Республика фонд биржасининг биржа битимлари иштирокчиларини назорат қилиш бўлими бошлиғи.

Енгил саноат:

ЮҚОРИ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бу ерда дастлаб фақат калава ип ишлаб чиқарилган бўлса, уни чуқур қайта ишлаш борасида олиб борилган изланишлар тўғрисида жорий йил бошида сочқ тўқиш ўзлаштирилди.



Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар.



2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Пойтахтимизда “Соғлом авлодни вояга етказишда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар самарадорлигини оширишнинг воситалари” мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Юксак маънавиятли ёшлар — юрт таянчи

Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда сўзга чиққанлар асосий қисмида соғлом авлоднинг тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

батлари талаба ва ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёшларда мафкуравий имунитетни кучайтириш, юртимиз ижтимоий ҳимоя тизимидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш мақсадида “Биз буюк юрт фарзандларимиз” шiori остида ўтказилаётган маърифий тадбирларга Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари қамраб олинди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Маълумки, юртимизда тайёрланаётган чарм, пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларининг асосий қисми “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси тасарруфидаги корхоналар ҳиссасига тўри келади.

ланган тартибда боғхона ва солиқ тўловларидан маълум муддатга озод қилинади. Қарабсизки, бу билан ўзимизда мавжуд хом ашёни маҳаллий корхоналарда қайта ишлаш, шу тарзда дунё бозорини талаб юқори бўлган яримтайёр ёки тайёр маҳсулотлар чиқариш учун йўл очик.

Айни пайтда тизимда 60 дан зиёд корхоналар фаолият юритмоқда, — дейди уюшма раиси ўринбосари Шарифжон Шералиев. — Ички ва ташқи бозорда харидорнинг маҳсулотлар тайёрлаш, қўшимча иш ўринлари яратишда уларнинг мунтазам равишда модернизация қилинаётгани айни муддао бўлаётди.

— Корхонамизга ўрнатилган янги технологиялар нафақат ҳодимлар сони ёки иш ҳажминини оширишга, балки маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда, — дейди пойтахтимиздаги “Пойабзалчи” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Максуд Миробидов. — Масалан, ўтган йили буюртмачиларга салкам 3 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бердик.

Айни пайтда тизимда 60 дан зиёд корхоналар фаолият юритмоқда, — дейди уюшма раиси ўринбосари Шарифжон Шералиев. — Ички ва ташқи бозорда харидорнинг маҳсулотлар тайёрлаш, қўшимча иш ўринлари яратишда уларнинг мунтазам равишда модернизация қилинаётгани айни муддао бўлаётди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили уюшма тасарруфидаги корхоналар томонидан жами 112,6 миллион АҚШ долларлик маҳсулот Хитой, Хиндистон, Покистон, Испания, Италия сингари ўнлаб давлатларга экспорт қилинган бунинг тасдиғидир.

Дарҳақиқат, маҳаллийлаштириш ишбилармонлар учун катта имкониятлар эшигини очмоқда. Чунки бирор бир тадбиркор хориждан технология ускуна ёки унинг эҳтиёт қисмини келтирмоқчи бўлса, белги-

Дилшод ЖУМАОБОВ.

лантириш, уларнинг иш тарғибасини оммалаштириш имконини бермоқда. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий мавзуларда, истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан ютуқларга бағишланган 144 номдаги адабиёт, рисола ва қўлланмалар, мультимедиа асарлари, плакатлар тайёрланиб, юртимиз таълим мактанларига етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: Australia dollar, UK pound, etc.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Банк тизими:

Изчил фаолият ва ривожланиш истиқболлари

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Жорий йилги кўргазма замонавий ахборот технологиялари базасига қурилган янги хизматлар, депозит турлари ва кредит маҳсулотлари, инновацион банк технологиялари билан бу ерга ташриф буюрган ҳар бир меҳмонда катта қизиқиш уйғотди. Бошқача айтганда, унда ўтказилган тижорат банкларининг мижозлар талабларини мос равишда илғаб олаётгани, юқори даражада хизмат кўрсатишга интилаётганини ёрқин гавдаландирди. Хусусан, "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири: электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида ўтказилган давра суҳбати иштирокчиларни ушбу қонун лойиҳасини ҳар тарафлама муҳокама этар экан, бу борада хориж тажрибаси, электрон тўловларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, мукамал инфратузилма ҳамда уни ривожлантириш учун кулайлик яратиш мақсадидаги солиқ маъмуричилиги масалаларини кўриб чиқдилар.



муҳити — интернетнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш долзарб ва фойдалилигини кўрсатмоқда. Чунки у бизнеснинг барча қирраларини жадаллаштириб, нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда жуда муҳим омил инфратузилма ҳамда уни ривожлантириш учун кулайлик яратиш мақсадидаги солиқ маъмуричилиги масалаларини кўриб чиқдилар.

Электрон тижорат глобал интернет тармоғининг узвий бўлагидир. Шу маънода, банк тизими тараққийнинг ҳозирги босқичи янги ахборот

биргина ўтган йилнинг ўзида 2,5 баробар ошди. Мобиль ва SMS-банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 69,3 миңдан 207,9 миңга етди ёки уч баробар кўпайди.

Янги ахборот технологияларига бағишланган семинарлар ҳам қизиқарлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, молия муассасалари ва мижозлар ўртасида ҳамкорликнинг виртуаллашуви ахборот хавфсизлигини мустақамлашни таъминлашга эътибор берилади.

Тижорат банклари ҳам, ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида

хавфсизлигини таъминлаш ва такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашганлари бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Кўргазма давомида кичик ва оилавий бизнес вакиллари, хусусий тadbirkорлар банк тизимида яратилган имкониятлар, хусусан, кредит-лаш тартиблари ҳамда имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўдилар.

Тижорат банклари ҳам, ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида

таълим муассасалари, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларини рўйга чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлашга доир маълумотларга бой стендлари билан қатнашдилар.

Яқунда ташкилотчилар томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича галиб банкларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки — "Тadbirkорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи", "Микрокредитбанк" — "Энг яхши микрокредитлаш хизмати", Давлат тижорат Халқ банки — "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк", "Агробанк" — "Оилавий тadbirkорликни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк", "Ипотека-банк" — "Кичик бизнес субъектларини инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк", "Қишлоқ қурилиш

банк" — "Қишлоқ фаровонлигига хисса қўшаётган энг яхши банк", "Ҳамкорбанк" — "Хорижий кредит линияларини жалб этаётган энг яхши банк", "Узсаноатқурилишбанк" — "Энг фаол инвестицион банк", "Ипак йўли банки" — "Аёллар тadbirkорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк", "Ориент-Финанс банк" — "Мижозларга сифатли хизмат кўрсатувчи банк", "Трастбанк" — "Худудларда фаолиятини кенгайтираётган энг яхши банк" номинацияси бўйича галиб, деб топилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектларига ажратилган кредит ва микрокредитлар ҳажмининг 2012 йилдаги нисбатан ўсшини таъминлаган тижорат банкларининг ҳудудий бўлинмалари ўртасидаги "Тadbirkорларни молиявий қўллаб-қувватлаётган энг яхши ҳудудий банк филиали" номинациясига эса "Ипотека-банк"нинг Олмалик ва Бухоро, шунингдек, Халқ банкнинг Косон филиали муносиб қўрилган бўлса, "Энг яхши стeнд дизайни", "Энг яхши реклама кампанияси", "Энг кўп ташриф буюрилган стeнд" сингари йўналишларда ҳам бир нечта банклар галиб бўлди.

АНЖУМАН

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда "Аҳолининг сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Дори-дармон ва саломатлик

Таъкидланганидек, бугунги кунда "Дори-дармон" акциядорлик компанияси мамлакатимиз фармацевтика бозорига ишонч билан фаолият юритиб келаётган ва илчил ривожланаётган корхоналар сирасига қиради. Эътироф этиш жоизки, ушбу корхона узоқ йиллар давомида республика аҳолиси ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлаб келмоқда. Компания таркибиде 8 та акциядорлик жамияти, 10 та шўба корхона, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси, 17 та дори-дармон омборхонаси, шунингдек, жойларда 1327 та дориҳона муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Дориҳоналарнинг асосий қисми, жумладан, 694 таси қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган.

Дори воситаларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида компания дориҳоналарида шифокорлар рецeптлари бўйича дори турларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Айни пайтда аҳолига кулайлик яратиш мақсадида, компаниянинг марказлаштирилган "1002 маълумот хизмати" ҳамда "Интернет-дориҳона" тизими ишлаб турибди. Ушбу тизим орқали керакли дори-дармон мавжуд бўлган дориҳона манзили, иш соати, малҳамнинг нарх-навосини билиб олиш мумкин.

Анжуманда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Дори-дармон" акциядорлик компанияси мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

«Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 16 май кунини соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- * 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28Х4» русумли, давлат рақами 47-76 ФР, кўк рангли.
- Бошланғич баҳоси — 3 792 917 сўм.**
- * 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28Х4» русумли, давлат рақами 47-70 ФР, кўк рангли.
- Бошланғич баҳоси — 4 214 352 сўм.**
- * «Сувокова» ишлаб чиқариш давлат корхонасида сақланаётган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «Т-28Х4» русумли, давлат рақами 38-00 ЕЭ, кўк рангли.
- Бошланғич баҳоси — 4 214 352 сўм.**
- * Фарғона вилояти хўжалик судининг 2011 йил 24 сентябрдаги 15-11-08/26481-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «МТ3-80» русумли, давлат рақами 47-49 ФР, кўк рангли.
- Бошланғич баҳоси — 7 205 424 сўм.**

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2014 йил 2 июнь кунини соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади.

- * 2014 йил 2 май кунини соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
- * Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ Ўзбекистон тумани судининг 2010 йил 13 январдаги 1-8-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Риштон давлат таъминоти сарф» фирмасида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ» русумли, давлат рақами 15 X 3426, кулранг тусли, таъмирталаб.
- Бошланғич баҳоси — 17 612 190 сўм.**
- * Бешарик тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 17 апрелдаги 15-13-05/8867-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 15 AG 787.
- Бошланғич баҳоси — 20 606 138 сўм.**
- * Бoғдоғ тумани СИБ томонидан ЖИБ Марғилон тумани судининг 2013 йил 25 мартдаги 1-448-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Дўстлик кўчаси, «КМК-1» корхонасида сақланаётган:

- * 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «Ford» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 AN 748, таъмирталаб.
- Бошланғич баҳоси — 10 559 968 сўм.**
- * 1976 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-503 А» русумли, давлат рақами 15 AN 140, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 6 892 621 сўм.**
- * 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21013» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AD 314.
- Бошланғич баҳоси — 3 034 598 сўм.**
- * 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «Одаз-935» русумли, давлат рақами 15 B 804, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 9 755 091 сўм.**
- * 1988 йилда ишлаб чиқарилган «Кавз-9368» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 B 996, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 1 879 453 сўм.**
- * 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5511» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 AN 783.
- Бошланғич баҳоси — 26 161 992 сўм.**
- * 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «Краз 250» русумли, кўк рангли, давлат рақами 15 AN 148, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 3 874 310 сўм.**
- * 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 788.
- Бошланғич баҳоси — 34 064 414 сўм.**
- * 1974 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2101» русумли, жигарранг тусли, давлат рақами 15 AD 513.
- Бошланғич баҳоси — 3 211 097 сўм.**
- * 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-500» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 821.
- Бошланғич баҳоси — 29 095 695 сўм.**
- * 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «Ford tranzit» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 AN 795.
- Бошланғич баҳоси — 10 559 968 сўм.**
- * 1982 йилда ишлаб чиқарилган, МАЗ-504 P» русумли, давлат рақами 15 AN 378, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 5 267 693 сўм.**
- * 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «M21251010» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AD 521, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 1 992 866 сўм.**

- * 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Dong Febg» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 877.
- Бошланғич баҳоси — 106 186 399 сўм.**
- * 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «Одаз-9357» русумли, давлат рақами 15 E 803, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 3 194 020 сўм.**
- * 1966 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-500» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 680, носоз.
- Бошланғич баҳоси — 4 608 532 сўм.**
- * Юқоридagi автотранспорт воситалари учун закатат тўлови бошланғич баҳосининг 30 (ўлттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўланиши керак.
- 2014 йил 2 май кунини соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари ва ускуналар қўйилмоқда:
- * Суд департаментининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона интер Райн» корхонасига қарашли бўлган, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғида жойлашган, 2000 тоннали музлаткич ускуна-жиҳозлари.
- Бошланғич баҳоси — 1 325 829 080 сўм.**
- * Суд департаментининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Тинчлик ва Гулистон кўчаларида сақланаётган:
- 1. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 F 893.
- Бошланғич баҳоси — 38 040 047 сўм.**
- 2. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли, «Volvo FH12-42T-67P» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 017 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 3. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, хаворанг тусли, «ManT-32.19FLT» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 022 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 52 343 413 сўм.**
- 4. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Van Hool» русумли (рефрижератор), давлат рақами 15 F 564.
- Бошланғич баҳоси — 26 107 766 сўм.**
- 5. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 F 837.
- Бошланғич баҳоси — 49 179 799 сўм.**
- 6. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Volvo FH 12» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 036 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 54 527 840 сўм.**
- 7. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 G 227.
- Бошланғич баҳоси — 49 179 799 сўм.**
- 8. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH12-4x2T» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 040 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 50 617 805 сўм.**
- 9. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Don-Bur FD38AD» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 F 589.
- Бошланғич баҳоси — 32 798 700 сўм.**
- 10. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Volvo FH12-4x2T» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 031 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 11. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли, «Daf AS47WS» русумли (рефрижератор), давлат рақами 40 011 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 31 568 749 сўм.**
- 12. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли, «Son iberika SR70R» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 F 647.
- Бошланғич баҳоси — 46 016 187 сўм.**
- 13. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, кулранг тусли, «Volvo FH12-420» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 045 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 14. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Volvo FH 12-42T-67P» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 038 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 15. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, хаворанг тусли, «Volvo FH12-42TAL6.7» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 039 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 16. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 G 231.
- Бошланғич баҳоси — 49 179 799 сўм.**
- 17. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 G 234.
- Бошланғич баҳоси — 53 456 303 сўм.**
- 18. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли

- «Daf Trucks (NL) TE95XF» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 042 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 53 206 216 сўм.**
- 19. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 G 235.
- Бошланғич баҳоси — 49 179 799 сўм.**
- 20. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, хаворанг тусли, «Volvo FH 12» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 044 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 54 527 840 сўм.**
- 21. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 G 230.
- Бошланғич баҳоси — 49 179 799 сўм.**
- 22. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH12-42T-678» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 020 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 23. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 G 203.
- Бошланғич баҳоси — 49 179 799 сўм.**
- 24. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «Schmitz SK024» русумли яримтиркама (рефрижератор), давлат рақами 15 F 823.
- Бошланғич баҳоси — 49 179 799 сўм.**
- 25. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Daf AS47WS» русумли, давлат рақами 40 014 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 36 078 571 сўм.**
- 26. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Sor Iberica SR 70R» русумли, давлат рақами 40 O 471 АА.
- Бошланғич баҳоси — 42 334 893 сўм.**
- 27. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Daf AS47WS» русумли, давлат рақами 40 013 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 36 078 571 сўм.**
- 28. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Sor Iberica SR 70R» русумли, давлат рақами 40 O 490 АА.
- Бошланғич баҳоси — 46 016 187 сўм.**
- 29. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Daf AS47WS» русумли (рефрижератор), давлат рақами 40 O 10 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 36 078 571 сўм.**
- 30. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Sor Iberica SR 70R» русумли (рефрижератор), давлат рақами 40 O 488 АА.
- Бошланғич баҳоси — 46 016 187 сўм.**
- 31. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12-42T-67P» русумли (сед тортувчи), давлат рақами 40 030 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 32. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Schmitz SK024» русумли (рефрижератор), давлат рақами 40 O 470 АА.
- Бошланғич баҳоси — 38 040 047 сўм.**
- 33. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Daf Trucks» русумли, давлат рақами 40 991 ВАА.
- Бошланғич баҳоси — 53 206 216 сўм.**
- 34. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Kogel SVKT» русумли, давлат рақами 40 O 477 АА.
- Бошланғич баҳоси — 50 617 805 сўм.**
- 35. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12» русумли, давлат рақами 40 026 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 36. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12» русумли, давлат рақами 40 029 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 37. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «Pacton TXZ 336» русумли, давлат рақами 40 O 464 АА.
- Бошланғич баҳоси — 36 199 401 сўм.**
- 38. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12» русумли, давлат рақами 40 028 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 39. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Schmitz» русумли, давлат рақами 40 O 462 АА.
- Бошланғич баҳоси — 38 040 047 сўм.**
- 40. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, «Man 19-464» русумли, давлат рақами 40 027 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 52 988 313 сўм.**
- 41. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12» русумли, давлат рақами 40 032 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 42. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Schmitz SK024» русумли, давлат рақами 40 O 476 АА.
- Бошланғич баҳоси — 38 040 048 сўм.**
- 43. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12» русумли, давлат рақами 40 015 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 44. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Schmitz SK024» русумли, давлат рақами 40 O 474 АА.
- Бошланғич баҳоси — 38 040 047 сўм.**
- 45. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12» русумли, давлат рақами 40 035 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 55 027 690 сўм.**
- 46. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Schmitz SK024» русумли, давлат рақами 40 O 467 АА.
- Бошланғич баҳоси — 38 040 047 сўм.**
- 47. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Volvo FH 12380» русумли, давлат рақами 40 033 ААА.
- Бошланғич баҳоси — 50 625 474 сўм.**
- 48. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Schmitz SK024» русумли, давлат рақами 40 O 469 АА.
- Бошланғич баҳоси — 38 040 047 сўм.**

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.

9/11/15

Спорт

Тошкент шаҳрида ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок эттиди.



14,325 балл билан кумуш медални кўлга киритди. Япониялик Сае Миякаша, Коко Добаша, Аико Сугихара, хитойлик Ксюафанг Жу ва Чанг Хин голиб ҳамда совриндорлар сафидан жой олди.

Гимнастикчиларимизнинг ажойиб муваффақияти

Халқаро гимнастика федерацияси кўмагида Осиё гимнастика иттифоқи, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур мусобақада 22 давлат вакиллари совринли ўринлар ҳамда жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун бахс олиб боришди.

жамоалари ўзларига билдирилган ишонччи аъло даражада оқлаб, жамоавий кўпкураш беллашувларида Нанкин Олимпиадасининг айнан иккита йўлланмасини кўлга киритишди. Бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган юксак эътибор ўз самарасини бераётганига яна бир далилди.

мусобақаларда эса Турдихон Исломова, Ксения Ким, Вероника Орлова, Линара Сулаймонова, Эльвира Юрвеванинг маҳорати мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Чемпионат қизиқарли кечмоқда

Ўтган ҳафта якунида футбол бўйича Ўзбекистон XXIII миллий чемпионати олий лигаси жамоалари ўртасида бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

ФУТБОЛ

Мазкур турда мухлислар бир қатор марказий беллашувларнинг гувоҳи айланмишди. Хусусан, Тошкентдаги "Жар" стадионида чемпионатнинг амалдаги голиби "Бунёдкор" ҳамда вице-чемпион "Локомотив" ўзаро бахс юритди.

ликлик футболчилар чемпионатнинг совринли ўринларига асосий даъвогарлардан бири саналишади. Бироқ "Пахтакор" ҳозирча чемпионатнинг бошқа жамоаларига қараганда анча мазмунли ўйин кўрсатаётгани боис рақибга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

зилган матбуот анжуманида. — Шоғирдларим ҳақида фикр юритадиган бўлсам, оддий қилиб айтганда, улар бугун футбол ўйнагани йўқ. Йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, навбатдаги турларда керакли натижага эришиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Кучлилар финал босқичида баҳслашади

"Баркамол авлод — 2014" мусобақаларининг барча спорт турлари бўйича саралаш баҳслари якунланиб, финал босқичида иштирок этадиганлар номи маълум бўлди. Хар бир вилоят яққалик беллашувларида қатнашадиган вакиллари аниқлаб олиб, тайёргарлик машғулотларини қизгин давом эттираётган айни паллада Самарқанд, Навоий, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жамоавий спорт турлари — баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва футбол бўйича ўтказилган саралаш турнирларидан сўнг Наманганга борадиган жамоалар номи ҳам ойдинлашди. Шулар ҳақида қисқача сўз юритмоқчимиз.

«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2014»

Ўсмирлар ўртасидаги баскетбол мусобақалари Самарқанд шаҳрида ташкил этилди. Мамлакатимизнинг барча худудларидан терма жамоалар иштирок этган мазкур беллашувларда Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари республика босқичи йўлланмаларига эга бўлишди.

Наманган ва Қашқадарё, ўсмирлар мусобақасида эса Самарқанд, Наманган, Фарғона ҳамда Андижон вилоятлари жамоалари "Баркамол авлод — 2014" медаллари учун кураш шўққини кўлга киритишди.

жамоалари финал босқичида қатнашадиган бўлишди. Волейболчи қизлар ўртасидаги саралаш мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган ва Андижон вилояти спортчилари юқори натижага эришди.

турага киритилган бокс бўйича саралаш беллашувлари Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежида уюштирилди. Унда 96 нафар спортчи маҳоратини намойиш этди. Баҳсларда Осиё чемпионлари, халқаро турнирлар голиблари ҳамда мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоасининг асосий таркибидан ўрин олган ёш чарм кўлқоп усталарининг иштироки хар бир жангнинг мурасис курашларга бой ўтишини таъминлади.

қизиқарли кечмоқда. Бунёдкорнинг бошқа жамоаларига қараганда анча мазмунли ўйин кўрсатаётгани боис рақибга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Унга яқин ҳужумлари муваффақиятли якунли олмаган "шерлар"га кичик ҳисобдаги ғалаба (1:0)ни ҳимоячи Егор Кривец билан таъминлаб берди.

Бешинчи турдан сўнг турнир жадвали куйидагича кўриниш олди:

Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1 "Пахтакор"	5	5	0	0	6 - 1	15
2 "Бунёдкор"	5	3	2	0	8 - 3	11
3 "Локомотив"	5	3	2	0	7 - 3	11
4 "Насаф"	5	3	1	1	7 - 3	10
5 "Динамо"	5	3	0	2	8 - 6	9
6 "Бухоро"	5	3	0	2	4 - 6	9
7 "Олмалик"	5	2	2	1	8 - 6	8
8 "Навбахор"	5	2	1	2	4 - 4	7
9 "Қизилқум"	5	1	2	2	2 - 3	5
10 "Машғал"	5	1	2	2	2 - 4	5
11 "Металлург"	5	1	0	4	5 - 8	3
12 "Нефтчи"	5	0	2	3	3 - 6	2
13 "Андижон"	5	0	1	4	2 - 6	1
14 "Сўғдиёна"	5	0	1	4	5 - 12	1

Мусобақа тўпуралари баҳсида бир йўла уч нафар футболчи — Иван Нагаев ("Локомотив"), Санъат Шихов ("Динамо") ва Шерзод Ҳақимов ("Олмалик") пешқадамлик қилмоқда. Улар ҳисобида 3 тадан гол бор.

Суннатилла ИСЛОМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

куйдагилар хариди бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади:

- кўчага ўт ўчириш техникаси учун диаметри 51,66 мм. ва 77 мм. бўлган, ички қисми гидроизоляция қатламли (резина камерали), улаш учун хизмат қиладиган каллакчи, босимга чидамли, ўт ўчиришда ишлатиладиган шланглар;
- кўчага ўт ўчириш техникаси учун диаметри 77 мм. ва 125 мм. бўлган, улаш учун хизмат қиладиган каллакчи, сўриб олиш хусусиятига эга, ўт ўчиришда ишлатиладиган шланглар;
- марказдан қочадиган (центробежний) ўт ўчиришда ишлатиладиган мўътадил босимли насослар (тип ПН-40);
- диэлектрик ботилар, қайчилар, резина гиламчалар, латексли кўлқоплар.

Шунингдек, (ОУ, 011) — 2, 3, 5 ва 10 ўт ўчиргичларини қайтадан зарядлаш бўйича танлов ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 45 календарь куни, танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни.

Тендер ва танлов савдолари куйидаги манзилда ўтказилади: 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-бەрк кўчаси, 1-уй.

Маълумот олиш учун хар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 255-75-12 (навбатчи), 255-75-11, 281-43-76.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизацциялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибдорликка ва саноат соҳасида таътиб этиш истикболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Фонд энг истикболли ва жозибдор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа гоёларини ҳамда улаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намунга бўйича);
- инвестиция таклифи (намунга бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намунга бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.

Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтохур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

and H Industry
Construction Equipment & Service

Иностранное предприятие ООО «С and H Industry»

предлагает

ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ

Под заказ.

Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.
Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-85.
E-mail: uzvolvo@gmail.com

МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» кўшма корхонаси

фойдаланишда бўлган, пахта толасидан ип йигирувчи техник жиҳатдан соз тўқимачилик жиҳозини сотади.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» кўшма корхонаси.

Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси У. Ҳайтовга отаси

Ҳайдар ОРТИҚОВнинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси «Жаҳон» ахборот агентлиги директори ўринбосари Эшнор Жабборовга отаси

Ҳайдар ЖАББОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Ходимлар билан ишлаш департаменти директори Алиқул Эрлонаевга отаси

ЗАЙНАБ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Узлугуржисавлоинвест» уюмисини жамоаси раис ўринбосари Р. У. Ҳамидбековга укаси

Илҳом ҲАМИДБЕКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 605 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.** Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — М. Холматова. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5